

634.9
У-757



**ФАН ҲАҚИДА
СУҲБАТЛАР**

А. УСМОНОВ

Ф. 241913.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎСТИРИЛАДИГАН НОЎБ ТЕРАКЛАР

№ 26

634.9 | бр. 24191/3.
 4-757 | Усенов А.

Инженер

Инженер
 Усенов А.

61

62

Итого

63

Всего ИТР

64

СЛУЖАЩИЕ

1. Общесовхозные расходы

Зам. директора по хозяйств. 65
 Главный (ст.) бухгалтер 66
 Зам. гл. бухгалтера 67
 Бухгалтер центр. конторы 68
 Счетово-кассир. отделения 69
 Ст. бухгалтер отделения (фермы) 70

(общ

Сторожа-

Уборщица


Уборка ко

Шофер ло

А. УСМОНОВ
Биология фанлари доктори

634.9
У-757

ЎЗБЕКИСТОНДА
ЎСТИРИЛАДИГАН
НОЁБ ТЕРАКЛАР



«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТИ
Тошкент — 1973

К

У73 Усмонов А.

Ўзбекистонда ўстирилаётган ноёб тераклар. Т.,
«Ўзбекистон», 1973.

28 б., расм.

Саря. олдига: А. Усмонов биол. фан. д-ри.

Рисола муаллифи Ўзбекистонда ўстирилаётган ноёб
тераклар ҳақида фикр юритади ва уни ривожлантириш
истинфои ҳақида қизиқарли фанлар келтиради.

Рисола ўрмон мухлислари ва Ўзбекистонда етиш-
тирилаётган ёғоч-синиморлик материаллари билан қи-
зиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Усманов А. Ценные тополя в Узбекистане.

634, 9

У 02—10—5 053
М351 [06] 73 39—73



«Ўзбекистон» нашриёти, 1973

МУҚАДДИМА ЎРНИДА

Маълумки, Ўрта Осиё республикаларида, жумладан Ўзбекистон республикаси территориясида ўрмонзорлар жуда оз майдонни ишғол қилади. Мавжуд ўрмонзорлар эса республикамизнинг тоғлик, йирик дарё водийлари ва шўрхоқ тупроқли ҳамда қумли чўл районларидадир.

Тоғ ўрмонзорларининг умумий майдони 1132 минг гектар, водийларда 199 минг ва чўл районларида эса 3471 минг гектар майдонни ишғол қилади. Республикадаги ҳамма ўрмонзорнинг умумий майдони 4802 минг гектар бўлиб, ёппасига дарахтлар билан қопланган қисми умум майдоннинг 19,5 процентини ташкил қилади. Бинобарин, республикамизда чўл-ўрмонзорлари энг катта майдонни ишғол қилган, яъни умумий майдонга нисбатан 70,2 процентга тўғри келади. Тоғ ўрмонзорлари умумий майдоннинг 0,24, водий ўрмонзорлари 0,04 процентни ташкил қилади.

Мавжуд ўрмонзорларда ўсиб турган дарахт ва буталар манзаралилик хусусиятлари ҳамда мевачилик ва селекция ишларида катта аҳамият касб этса-да, улар қурилиш учун ёғоч материаллари бера олмайди. Чунончи, тоғ ўрмонларида арча, заранг, хилма-хил тоғ тераклари, олма, нок, ёнғоқ, pista, тол, шум, дўлана, четан, магалепка, тоғолча, учқат, ирғай, корнус, жилон-жийда, бодом, олча, наъматак каби ҳар турли дарахт ва буталар ўсади, лекин уларнинг бирортаси бинокорлик учун ярайдиган ёғоч материаллари бўлолмайди.

Дарё водийси ўрмонзорларида бўлса, водий терагитуранга, петта, жийда, чиғаноқ, юлғун ва бошқа жайдарин дарахтлар ўсади. Чўл ўрмонлари эса саксовул, қуёнсуяк, хандон, черкез, юлғун ва бошқа хил буталардан иборат.

Республикамиз ўрмонзорларида ўсаётган юқоридаги турли хил жайдари дарахт ва буталар қурилиш учун ёғоч маҳсулотлари етказиб беришга деярли қодир эмас десак бўлади. Чунки бу дарахт ва буталарнинг танаси сершоҳ, паст бўйли ўсади, қинғир-қийшиқ, тарвақай шох-шаббалар ҳесил қилади.

Илгари бинокорликда ёғоч материалларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида аҳоли яшайдиган жойларга, боғ-чарбоғлар ва тоғ бағирларига кўплаб туркистон ва мирза тераклари экилган ҳамда улардан иморат қуришда кенг фойдаланиб келинган, ўша вақтларда тераклар ўлкада ёғоч берадиган ягона манба ҳисобланган. Ҳатто аҳоли ўртасида бундай одат ҳам бор эди: агарда оилада ўғил бола туғилса, ўша йили боланинг отаси боғ чеккасига қатор қилиб 18—20 та терак экиб қўяр, ўғли балогатга етгач, теракларни кесиб уй солиб берар ва уйлантириб қўярди. Бу халқ расм-русумининг мазмуни шундаки, тераклар 18—20 йилда, яъни шу ёшда иморатга ярайдиган ёғоч материал бера олади.

Бизнинг социалистик давримизда совет халқининг турмуш фаровонлиги тобора кўтарилмоқда, аҳоли нуфуси ҳам ошмоқда. Партия ва ҳукуватимиз халқимизга ҳаминша ғамхўрлик қилиб, уларни турар жой билан таъмин этишда улкан ишларни амалга оширди ва яна катта тадбирлар кўрилмоқда. Янги-янги шаҳарлар, колхоз ва совхоз посёлкалари барпо этилмоқда. Ҳозир республикамизнинг ҳамма жойларида қурилиш ишлари авжида.

Қурилиш ишларида техникавий прогрессив усуллар жорий қилиниши туфайли, уй-жой бинолари темир-бетон материаллари билан қурилиб, иш жараёни тез суръатда бормоқда ва яхши жиҳозланган, мустаҳкам, кўп қаватли бинолар қад кўтармоқда. Гарчи ҳозирги вақтда турар жой бинолари терим-бетон блоклари билан тез суръатларда қуриладиган бўлса-да, лекин ёғоч материалларининг қурилишдаги роли ҳали кам эмас, чунки темир-бетон билан қуриладиган уй-жой бинолари ҳамма ерларда, ёппасига расм бўлганча йўқ, бундай қурилишлар айниқса янги барпо қилинаётган колхоз ва совхоз посёлкаларида оз қўлланилади. Шу боисдан ёғоч материалларини кўплаб етиштириш борасида амалий тадбирлар кўриш катта аҳамият касб этади. Бундай

ноёб материаллар етиштиришнинг бирдан-бир йўли бинокорликка ва ёғоч саноатига яроқли ёғоч берадиган дарахтзорлар барпо этишдир. Бу ҳозирги вақтдаги муҳим масалалардан биридир.

Қимматбаҳо ва юқори даражали қурилиш — ёғоч материаллар берадиган дарахтларни ўстириш учун республикамызда тез ўсиб ривожланадиган тераклар экишни тавсия қилишни маъқул кўрдик. Масалан, серотин, ангулат, берлин, ўзбекистон тўнғичи, сифати яхшиланган тез ўсар мирза терак, туркистон ва оддий мирзатераклар бизнинг табиий шароитимизда яхши ўсади ва барвақт етилади. Бу теракларнинг дарахтлик хусусиятлари ҳақида қуйида қисқача таърифлаб ўтамиз.

ТЕРАКЛАР ТАЪРИФИ

Серотин тераги. Қора ва монилифера теракларининг ўзаро бир-бири билан чатиштириш натижасида Францияда вужудга келган дурагай терак, Тошкентда бу терак 1951 йилдан экила бошланди (1-рasm).


Серотин тераги катта дарахт, бўйи 40 метр, диаметри 100 сантиметр. Ун беш ёшида Тошкентда унинг баландлиги 30,5 метр, диаметри 45 сантиметрга етди. Бу терак якка-текис, тик-тўғри, танаси сийрак шохли бўлиб ўсди. Тана пўстлоғи бўйига томон ёрилади ва қўнғир рангга киради. Танаси халқа шаклида шохлайди, шохлари танада 25—30° бурчак ҳосил қилиб атрофга таралгани ҳолда тор тухумсимон шох-шабба ҳосил қилади. Шохлари думалоқ, қўнғир-кул ранг, қобиғи юпқа пўст ташлаб туради. Новдалари ҳам думалоқ, қўнғир-новот рангли, туксиз. Барг пластинкасининг узунлиги 8—10 сантиметр, эни 8,5—10 сантиметр бўлиб, дельтасимон, туби юраксимон ёки тўғри, четлари йирик тишли, сирти тўқ яшил, остки томони оч-яшил ранглидир.

Барг банди 4,5 сантиметр узунликда. Бу терак жинсий жиҳатдан эркак гулли тупидир, урғочи гулли тупи табибиатда топилмаган.

Серотин тераги бир йиллик новда қаламчаси ва илдиз қаламчаси билан яхши кўпаяди, тўнкасидан новдалар чиқариб, дарахт тикланади.


Бу терак турли касаллик ва зарарли ҳашаротлар таъсирига анча чидамли.

Ангулат тераги. Катта дарахт, бўйи 45 метр, диаметри 2—2,5 метрга яқин. Шимолий Американинг шарқий штатларидан келтирилган. Бу терак Тошкентда 15 ёшида бўйига 28 метр, диаметрига 40 сантиметр ўсди



1-р а с м Серотин теракзори (10 ёшида).

(2-расм). Серотин тераги сингари бу терак ҳам якка ва тик ҳамда силлиқ танали бўлиб ўсади. Шохлари бачки, таната яқин жойлашиб пирамида шаклли шох-шабба ҳосил қилади. Тана пўстлоғи кўкимтир-кул рангли, дарахт катта ёнида пўстлоғи тана тубида бўйига томон



2-расм. Ангулат терагининг танаси (10 ёшида).

ёрилади ва тўқ кул рангга киради. Шохлари кул рангда бўлиб, ёсмиқлидир. Барглари йирик, тухумсимон ёки дельтасимон тузилиб, узунлиги 6,4—9,2 сантиметр, кенглиги 5,5—9,5 сантиметр бўлади, бўйидан эни узун, туби понасимон ёки думалоқ шаклда. Барг четлари арра тишли. Барг бандининг узунлиги 3,5—4 сантиметр бўлиб, ёнидан сал эгик, туксиз, тўқ-яшил рангли. Йиллик новдалари аввал қиррали, сўнг думалоқ, кул-новвот рангли. Жинсий жиҳатдан унинг ҳам урғочи, ҳам эркак гулли тушлари бор. Серотин тераги сингари бу терак ҳам қаламчасидан яхши кўкаради. Турли касаллик ва зарарли ҳашаротларга бардош беради.

Берлин тераги. Берлин ботаника боғида лаур баргли ва мирзатерак билан чатишиши натижасида табийий ҳолда вужудга келган. Бу терак ҳам катта дарахт бўлиб, бўйи 3 метр, диаметри 1 метрга яқин. Якка ҳолда, тик ўсадиган силлиқ танали. Шохлари кам, бачки новдалари танага яқин жойлашиб чўзиқ шаклда шохшабба ҳосил қилади (3- расм).



3-расм. Берлин терагининг тана қисми (10 ёшида).

Тошкентда 15 ёшида 22,2 метр бўйига, 40 сантиметр диаметрига ўсади. Тана пўстлоғи кул ранг, силлиқ, катта ёшида пўстлоғи тана тубидан бўйига томон ёрилади ва тўқ-кул рангга айланади. Шохлари кул ранг, ёсмиқли. Барг сатҳи — юзаси 6,3—4 сантиметр, кенглиги 5,4—4,5 сантиметр. Кенг тухумсимон ёки ланцет шаклида, пластинка туби тўғри ёки тор понасимон, четлари йирик тишли. Барг бандининг узунлиги 2,3—3 сантиметр. Новдала-

ри яшил оч сариқ рангли, аввал қиррали, сўнг думалоқ бўлади.

Терак жинсий жиҳатдан урғочи ва эркак гулли туллари бор. Қаламчадан яхши кўпаяди. Турли касаллик ва зарарли ҳашаротларга чидамли.

Ўзбекистон тўнғич тераги. Бу икки хил, яъни оқ ва тоғ теракларининг чатиштирилиши натижасида олинган дурагай теракдир. У жуда катта дарахт бўлиб, 12 ёшида 23 метр бўйига, 27 сантиметр диаметрига ўсади. Терак якка ҳолда, силлиқ танали, тик кўтарилади. Катта ёшида тана тубида пўстлоғи бўйига ёрилади. Танаси сийрак шохли, қалин теракзорларда шохлари бачкилашади, очиқ ерларда кенг пирамида шаклда шохшабба ҳосил қилади. Шохлари думалоқ, туксиз, новдалари ҳам думалоқ, оқ кигиз тукли. Барг сатҳи пластинкаси — узунлиги 4—10 сантиметр, кенглиги 15 сантиметр, бўлак-бўлакли, бўлакларининг четлари ҳар хил тишли, устки томони тўқ-яшил рангли, терисмон дағал, туксиз, остки томони оқиш рангли, қалин кигиз тукли. Барг бандининг узунлиги 4—5 сантиметр, думалоқ кигиз тукли.

Қаламчадан яхши кўпаяди. Терак турли касаллик ва зарарли ҳашаротларга чидамли.

Тез ўсар терак. Бу терак Ўзбекистон тўнғичи терагининг бир хилидир. Катта ёшида росмана дарахт бўлиб ўсади. Тошкентда 12 ёшида бўйи 25 метр, диаметри 25 сантиметр ўсди. Якка танали, кам шохли бўлиб, пирамида шаклда шохшабба ҳосил қилади. Пўстлоғи ёзда ҳаво рангда, қишда оқиш рангга киради. Катта ёшида тана тубида пўстлоғи бўйига қараб ёрилади. Шохлари думалоқ, туксиз, новдалари оқ кигиз тукли. Барглари уч бўлакли, устки томони тўқ-яшил, туксиз, остки томони оқиш рангли, қалин кигиз тукли. Барг сатҳининг узунлиги 8—10 сантиметр, қалин кигиз тукли, жинсий жиҳатдан эркак гулли тулларида ноборат. Терак қаламчадан яхши кўпаяди. Турли касаллик ва зарарли ҳашаротларга чидамли.


Яхшиланган мирза терак. Қора ва мирза теракларининг бир-бири билан чатиштириш натижасида Ўрта Осиё ўрмон хўжалик институтида олинган дурагай теракдир. Тошкентда 10 ёшида бўйи 23 метр, диаметри 26 сантиметрға етади. Якка ҳолда, тик ўсади, кам шохланади, шохлари ҳалқа шаклида жойлашади. Тана

пўстлоғи силлиқ, сарғиш-кул рангли. Шох-шаббаси қалин, пирамида шаклида. Барглари тўқ яшил рангли, 6—7 сантиметр узунликда, 5—6 сантиметр кенгликда, тухумсимон, уч бурчакли, ўткир учли, туби текис, барг банди думалоқ, узунлиги 4—5 сантиметр. Бу терак жинсий жиҳатдан эркак гулли тупдир. Терак қаламчадан яхши кўпаяди.

Турли касаллик ва зарарли ҳашаротларга чидамли.

Туркистон ёки бақа терак. Бу терак Ўрта Осиё ва Кавказда кенг тарқалган. Катта дарахтининг бўйи 30 метр, диаметри 1 метр. Танаси якка, тик ва тўғри ўсиб, ердан 10—15 метр баланд, танаси йўғон шохланади, шохлари сийрак ва ингичка бўлиб, яхши, қалин терак-зорларда тана шаклланади. Тошкентда бу терак 15 ёшда 24,5 метр бўйига, 48 сантиметр диаметрига ўсади (4-расм).

Тана пўстлоғи, яшил—кул ранг бўлиб, катта ёшида у тана тубида бўйига қараб ёрилади. Новдаларида барг-



4-р а с м. Туркистон терагининг тана қисми (10 ёшида).

ирик, 5—7 бўлаккли, дағал, устки томони тўқ
рангли, ялтироқ, остки томони кигиз тукли, кул
и. Шохдаги барглари бўлаккли эмас, йирик
и, туксиз. жиҳатдан бу терак эркак гулли тупдир,
инсий гулли тупининг мавжудлиги ҳали маълум эмас,
и гулли тупининг мавжудлиги ҳали маълум эмас,
қаламчадан яхши кўпаяди. Турли касаллик ва
ли ҳашаротларга чидамли.
ирза терак. Бу терак СССРнинг Европа қисмида,
изда, Афғонистон ва Гимолайда тарқалган. Мирза
жуда катта дарахт, бўйи 40 метр, диаметри 1
а яқин. Якка танали ва тик ўсадиган бўлиб,
ри ингичка, улар танага параллел жойлашиб
қлоғисимон шох-шабба ҳосил қилади. Бу терак
да айтиб ўтилган теракларга нисбатан қисман
роқ ўсади, лекин жуда сифатли ёғоч материалла-
ради. Тошкентда 19 ёшида бўйига 20 метр, диамет-
сантиметр ўсди.
на пўстлоғи силлиқ, кул-сарик рангли, катта ёши-
на пўстлоғи тубидан бўйига томон ёрилади ва шу
а қўнғир рангга киради. Шохлари думалоқ, кул
туксиз, новдалари думалоқ, яшил, ялтироқ, тук-
арглари ромбик ёки уч бурчак шаклда, туби кенг
мон ёки юрак шаклида. Сиртқи ва остки томони
рангли, туксиз, четлари майда арра тишли, барг
нинг узунлиги 7,5 сантиметр ва кенг. Барг банди
антиметр узунликда. Бу теракнинг урғочи ва эр-
лли туплари учрайди. Қаламчадан яхши кўпа-
ли касаллик ва зарарли ҳашаротларга бардош
аклар тез ўсадиган дарахтдир. Улар бошқа
ларга нисбатан тез ўсади, шунинг учун машҳур
И. К. Вехов теракни Австралияда ўсадиган энг
бўйли (100—120 м) эвкалипт дарахтларига
аб, теракларни шимол район эвкалипти деб
икатан ҳам шундай, тераклар жуда тез ўсади,
ари ўзининг ташқи қиёфаси билан қарағайларга
и, улар якка, тик ва силлиқ танали бўлиб, ён
и жуда ингичка ва бачки, бундай теракларни
а кўз олдингизда сурх бўйли қарағай дарахти
бўлади. Шу бонсдан биз бу китобчамизда

баъзан шундай теракларни жануб қарағайлари деб атадик.

Урта Осиё республикаларида қадим-қадимдан туркистон ва мирза тераклар тез ўсадиган тераклар деб ҳисобланар эди. Бу тўғри, чунки бошқа дарахтларга нисбатан албатта тераклар тез ўсади. Маҳаллий аҳоли туркистон ва мирза теракларини экиб ўстириб, етилганда уни кесиб турар-жой иморатлари қўришда фойдаланар эди. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, тераклар бинокорлик ишларидаги аҳамиятини ҳозирга қадар йўқотгани йўқ, албатта.

Тераклар тез ўсиш хусусиятлари билан кейинги вақтларда кишиларнинг диққатини ўзига айланиб кетди. Бунинг натижасида терак ўстириш ишлари ер шарининг мўътадил иқлимли зонасида жойлашган, деярли кўп давлатларда яхши йўлга қўйилган. Чунончи, СССР, Польша, Венгрия, Руминия, Чехословакия, Югославия, Болгария, Шимолий Америка, Франция ва бошқа мамлакатларда ўстирилаётган тераклар бунга мисол бўла олади. Юқорида айтилган давлатларда мавжуд тез ўсар теракларни кўкартириш билангина чекланмасдан, балки булардан кўра тез ўсиш (гетерозис) хусусиятга эга бўлган янги дурагай тераклар яратилди ва улардан (селекция) энг яхшиларини (истиқболлиларини) танлаб олиниб, хўжаликларда ўстирилмоқда. Бу янги тераклар бурун тез ўсар деб ҳисобланган туркистон ва мирза теракларга нисбатан 2—3 барабар тез ўсиши ҳамда турли касаллик ва зарарли ҳашаротларга чидамли эканлиги аниқланди.

Тез ўсадиган гетерозис хусусиятига эга бўлган бу янги тераклардан халқ хўжалигида йкки мақсад учун фойдаланишни маъқул кўрамиз.

1. Уй-жой биноларини қуришга ярайдиган тўсин, хода, сарров ва синч ёғочлари олиш учун; 2. Целлюлоза ва қоғоз саноатида зарур ёғоч ашёлари етказиш учун.

Қисқа муддат ичида қурилиш ёғоч маҳсулотлари ва саноат учун хом ашё сифатида ҳам ёғочнинг катта запасини яратиш мумкин.

Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги ботаника боғида теракларни ўстириш ва теракчиликни ривожлантириш юзасидан ўтказилган тажрибалар теракчилик

Турар жой бинолари ва бошқа иншоотлар қуришда ишлатиладиган ёрқ матофларнинг сифатини
учун ўстириладиган теракларнинг 10—15 бинидан қилиб

Теракларнинг номлари	Шох-шаб- дасининг диаметри, см	Бир лектар даги терак лар сон, туп	Тўқма ёл жоллар				Синчи ёллар		
			миндори	тўқ- лаги, м	диамет- ри, см	миндори	тўқ- лаги, м	диамет- ри, см	
Туркистон тераги	10	1000	4000	5	30	1000	5	30	4
Серотин тераги	9	1100	4400	5	30	1100	5	30	5
Ангулай тераги	8	1250	3750	5	28	1100	4	25	4
Берлин тераги	8	1250	3750	5	18	1250	4	15	4
Мирза терак	6	1666	4998	4	15	1000	5	15	4
Ўзбекистон тўғичи	10	1000	3000	5	25	1000	5	25	5
Тез ўсар терак	10	1000	4000	5	28	1100	5	28	5
Яхшилланган мирза терак	6	1660	4998	5	15	1660	5	15	4

халқ хўжалик эканомикасида жуда фойдали ҳамда уни ривожлантириш қулай эканлиги аниқланди.

Тераклар тез ўсиши сабабли тез қарийди ҳам. Яхши парвариш қилинмаса тераклар 25—30 ёшидан бошлаб турли касалликларга дучор бўлиши мумкин. Лекин уларни бу қадар кўп муддат ўстиришнинг ҳожати йўқ. Теракларни 10—15 ёшидаёқ кесиб хоҳлаган ёғоч материаллари, жумладан турар жой бинолари қуриш ва целлюлоза-қоғоз саноати учун хом ашё сифатида ёғочлар тайёрланса бўлади.

Бизнинг тажрибамизда 100 дан ортиқ тур ва дурагай тераклар ўстирилиб, улардан маълум тур ва шакллари ўрмон хўжаликларига тарқатилди.

Мазкур китобчада турар жой бинолари қуришда ва целлюлоза ҳамда қоғоз саноати учун хом ашё етиштиришда жуда қўл келадиган тур ва дурагай теракларнинг ўсиш хусусиятлари ва улардан тўсин хода, сарров, синчлик ва хом ашё сифатида ёғоч материаллари етиштириш борасида қисқача тўхталиб ўтамиз.

БИНОКОРЛИК УЧУН ЁГОЧ МАТЕРИАЛЛАРИ ЕТИШТИРИШ

Турар жой бинолари ва бошқа иншоотлар қуришда ишлатиладиган ёғоч материаллар етиштириш учун ўстириладиган теракларнинг 10 — 15 ёшдаги ҳолати ҳақида жадвал берилган. Бу келтирилган жадвалдаги рақамларга кўра тераклар 10 — 15 ёшидаёқ қурилиш учун турли миқдорда ёғоч материаллари берар экан, чунки шох-шаббасининг кенглиги ҳар хил. Бинобарин, шох-шаббасининг кенглигига қараб бир гектар майдонда уларнинг жойлашиши ҳам ҳар турлидир. Бир гектар майдонда турли миқдорда жойлашишига мувофиқ танасининг узунлиги ва диаметри ҳам ҳар хил даражада бўлар экан. Шох-шаббаси бир меъёрда (диам. 10 м) кенг бўлган Туркистон, Ўзбекистон тўнғичи ва тез ўсар тераклар 25—30 сантиметр йўғонликда бўлган 3000 — 4000 тадан тўсин, ходалар ва синч ёғочлари бергани ҳолда, мирза ва яхшиланган мирза тераклар эса 5 метр узунликда, диаметри 15 сантиметрли 4998 тадан хода ва синч ёғочлари беради. Келтирилган рақамлар албатта кўзга кўринарли ва хўжаликлар учун иқтисодий жиҳатдан фойдали ҳамдир.

Жадвалда келтирилган ёғоч материалларни янги иморат қуришда ишлатиб-таҳлил қилиб, ҳисоблаб кўрилганда қуйидагилар аниқланди.

Бу олинган ёғоч материалларидан ўрта ҳисобда майдони 120 квадрат метрли 100 — 120 та 4 хонали турар жой биноларини қуриш мумкин. Шунингдек, шу ёғочлардан узунлиги 150 метр, кенглиги 25 метр бўлган ғалла омбори ёки шундай узунликда ва кенгликда бўлган молхона қурилиши мумкин. Бундай бинода (битта ҳайвон учун 25 м² жой ҳисобида) 500 бош мол асра-са бўлади.

ТЕРАК ЁҒОЧЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Теракдан тайёрланган тўсин ва ходалар қурилиш ишларида юқори даражали ёғоч ҳисобланади. Терак ёғочи енгил ва пухта, осон ишланади, қуруқ ерларда чиримай кўп вақтларгача сақланади. Буни бир неча мисолларда кўриш мумкин. Г. М. Григоряннинг (1954) берган маълумотига кўра, бундан 300 йил илгари Арманистонда терак ёғочидан қурилган иморатлар турли сабаблар билан бузилганда, улардан чиққан тўсин ва ходалар ўзининг асли қурилиш сифатини йўқотмай сақлаб қолган. Бузиб олингандан кейин улар янги биноларни қуриш учун бемалол ишлатилган. Зах ерларда теракнинг ёғочи тезда чирийди, шунинг учун улардан тагсинчга ишлатиш мумкин эмас. Тагсинч учун одатда эфир ёғли ёғочлардан, жумладан арча ва қарағай ёғочларидан фойдаланганлар. Бу хил ёғочлар узоқ муддат чиримайди, мустаҳкам туради.

Келтирилган далиллар терак ёғочининг бинокорлик ишларида катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Шунинг учун теракзорлар барпо қилиш ва теракчилик ишларини ривожлантириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ёғочдан қурилган турар жой бинолари ниҳоятда пухта бўлиб, зилзилага чидамлилиги билан дунёга машҳур. Халқимизнинг «Синч уйим, тинч уйим» деган мақоли бор, бу албатта бежиз айтилмаган. Бу мақолнинг чуқур маъноси баёнидан маълум. Агар синчли уйнинг қурилишини кўз олдимизга келтирсак, бу мақолнинг маъноси янада яққолроқ намоён бўлади. Масалан, 20 квадрат метрли уй қуриш учун темир-бетон ёки пишиқ

р. 24191/3
ғиштан ишланган пойдевор устига тагсинч ётқизилади. Тагсинчга 2 — 3 метр оралиқда ҳаммаси бўлиб 8 та устун қўйилади. Бу устунлар тепасига сарров чиқазилиб, устунлар учига ўрнатилади, сўнг тўрт томонга қарши қаратилган тиргович-синч ёғочлари қадалади. Иморатнинг шу типда қурилиши уни пухта қилиб, зилзилага чидамлилигини оширади.


Синчли уйларнинг тарихий аҳамияти катта. Ўтмишда кишилар зилзила натижасида кўп харобаликка учраб, катта талофот кўрган. Кейинги вақтларда зилзилага бардош бера оладиган синчли иморатлар қуриш жорий қилинган. Турар жой биноларини шу типда қурилиши натижасида иморатлар пухта бўлиб, табиий офат-зилзиладан холи, хотиржам яшашга муваффақ бўлганлар.

Шаҳар, район ва колхозларда бинокорлик ва бошқа иншоотлар қурилишидаги давлат планига мувофиқ лозим бўлган жойларда синчли турар жойлар қуришни кенг миқёсда олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

САНОАТ УЧУН ХОМ АШЕ СИФАТИДА ЁҒОЧ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ

Шу вақтларгача қоғоз ишлаб чиқариш саноатида целлюлоза ва қоғоз маҳсулотлари нинабаргли дарахтлардан тайёрланар эди. Аммо кейинги вақтларда халқ хўжалиги ва маданиятининг ривожланиши натижасида қоғоз маҳсулотига бўлган эҳтиёж ниҳоятда ошди. Бу эҳтиёжни тўла-тўқис қондириш учун қоғоз маҳсулотини кўп ишлаб чиқарилиши лозим бўлиб қолди. Модомики шундай экан, нинабаргли дарахтларни кўп кесилиши ва бундай дарахт ўрмонзорлари қисқа муддат ичида йўқолиб кетиши мумкин эди, чунки дарахтлар жуда секин ўсади ва кесилган ўрмонзорларни тиклаш учун тахминан 200 — 300 йилдан ортиқроқ вақт керак бўлар эди.

Шу сабабли нинабаргли ўрмонзорларни целлюлоза ва қоғоз саноати учун озроқ фойдаланиш ёки тамомила ишлатмаслик мақсадида унинг ёғочи ўрнини алмашадиган бошқа дарахтлар излаб топиш лозим бўлиб қолди ва бу борада илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида теракларнинг ёғочи нинабаргли дарахтлар ёғочи ўрнини босишга мувофиқ эканлиги аниқланди. Теракларнинг ёғочидан ишланган целлюлоза ва қоғоз маҳсулотлари ўзининг сифати би-



лан нинабаргилларникидан қолишмаслиги, балки ундан ҳам юқори эканлиги аниқланди. Бу борада ижобий натижа олинган, целлюлоза-қоғоз саноатида терак ёғочини ишлатиш ва ундан самарали фойдаланиш кенг қулоч ёйиб ривожлана бошлади. Бу ҳолни СССР, Польша, Венгрия, ГДР, Югославия, Чехословакия, Италия, Франция, Бельгия, Америка Қўшма Штатлари ва бошқа мамлакатларда кўриш мумкин.

Қоғоз саноатини ёғоч хом ашёси билан таъмин этишда тераклар энг қулай дарахтлардан ҳисобланади, чунки у нинабаргилларга нисбатан 20 — 25 барабар тез ўсади ва қисқа муддат ичида ғоят кўп миқдорда ёғочлик «буюм» тўплайди.

Ўтказилган текширишлар шуни кўрсатадики, Европа ва Ғарбий Европа шароитида бундай тераклар 40 — 50 ёшида берадиган ёғоч запасини, Тошкент шароитида 10 ёшидаёқ берар экан. Бинобарин, бу ҳол тераклар бизда (бу ерда) ўз ватанидагисига нисбатан бир неча бор тез ўсишини кўрсатади.

Теракларнинг тез ўсиши ва кўп миқдорда ёғоч запасини тўплай олиши натижасида унинг нархи ҳам жуда арзон. Бу борада қилинган таҳлилий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, терак ёғочининг бир кубометри давлат нархида 3 сўм миқдорда бўлиб, Ғарбий Сибирдан келтирилган қарағай ва тоғ тераги деб аталадиган (осина) дарахти ёғочининг бир кубометри 30 — 35 сўм ҳисобланади. Терак ва қарағай ёғочларининг қоғоз ишлаб чиқаришдаги қимматини солиштириб кўрганда эса уларнинг ҳар иккиси бир даражада бўлганлиги аниқланди ва 10—11 барабар арзон ҳамда иқтисодий жиҳатдан қулай ашёлардан эканлиги исботланди. Целлюлоза ва қоғоз саноатида терак ёғочининг қимматли хом ашёлардан эканлигининг исботи учун ундаги целлюлозанинг миқдори текширилди. Текширишлар натижасида терак ёғочида целлюлозанинг миқдори 52—62 процентгача борлиги аниқланди. Бундай кўрсаткичлар учун 214 маркали евро-америка, эвкалипт, пушти ранг, дельтасимон тераклар юзасидан ўтказилган текшириш натижалари мисол бўла олади. Қуйида шу тераклар учун қисқача дарахтлик хусусияти ҳақида таъриф берилади.

214 маркали евро-америка тераги. Бу дурагай терак бўлиб, Ўрта Европада вужудга келган. У ғоят тез ўсиб, катта дарахт бўлади. Тошкентда 1951 йилдан бошлаб ўс-

тирилмоқда. Бу терак 15 ёшида 28 метр бўйига, 80 сантиметр диаметрига ўсди (5-расм). Якка йўғон танали, ердан 10 метр юқоридаги танаси йўғон шохланади ва тарвақайлаб ўсиб кенг шаклли шоҳ-шабба ҳосил қилади. Катта ёшида пўстлоғи бўйига томон ёрилади. Тўқ кул ва ер рангига ўхшаб қолади. Шохлари думалоқ, кул ранг,



5-расм. 214 маркали евро-америка теракзори (10 ёшида).

оқ ёсмиқли, новдалари ҳам думалоқ, яшил ёки пушти рангли, ялтироқ, туксиз. Барглари дельтасимон, узунлиги 6 — 9 сантиметр, кенглиги 4 — 5 сантиметр, ўткир учли, туби тўғри ёки думалоқ. Барг сатҳининг четлари майда арра тишли, сирти тўқ яшил, остки томони яшил рангли, туксиз. Бу теракнинг урғочи гулли туплари бўлиб, эркак гулли туйлари ҳали топилмаган.

Бир йиллик қаламчаси билан яхши кўпаяди. Турли касаллик ва зарарли ҳашаротларга чидамли.

Эвкалипт тераги. Евро-америка сиротин терагининг бир хили бўлиб, жуда катта тераклардан бири.

ҳисобланади. Бу терак Тошкентда 1951 йилдан буён ўс-тирилмоқда. 15 ёшида унинг бўйи 21 метр, диаметри 55 сантиметрға етади (6-расм). Якка танали, кам шохли бўлиб ўсади ва тухумсимон, кенг, шох-шабба ҳосил қилади. Пўстлоғи катта ёшида бўйига томон ёрилади ва.



6-р а с м. Эвкалипт терагининг тана қисми (10 ёшида).

тўқ кул ёки қўнғир рангга киради. Шохлари думалоқ, кул ранг, туксиз. Новдалари қиррали ёки думалоқ, сарғиш ёки қўнғир рангли, туксиз. Барглари 7—10 сантиметр узунликда, 10—11 сантиметр кенгликда, дельтасимон, ўткир учли, туби тўғри ёки ғадир-будир. Барг ситқининг четлари йирик тўмтоқ тишли, сирти тўқ яшил, ости оч яшил рангли, туксиз. Жинсий жиҳатдан — урғочи гулли туплари бўлиб, эркак гулли туплари ҳали номаълум. Олдинги терак сингари, бу ҳам йиллик қалам-

часидан яхши кўпаяди. Турли касаллик ва зарарли ҳашаротларга чидамли.

Дельтасимон терак. Бу терак Шимолий - Американинг Шарқий Штатларида кенг тарқалган. Тошкент шаҳрида бу терак 1956 йилдан буён ўстирилмоқда (7-расм). У жуда катта дарахт, бўйи 35 метр, баъзан 50



7-расм. Дельтасимон теракнинг тана қисми (10 ёшида).

метр, диаметри 2 — 2,5 метргача ўсади. Бу терак 15 ёшида 19 метр бўйига, 50 сантиметр диаметрига ўсади. Якка йўғон танали, тепа қисми йўғон шохланади, кенг шохшаббали. Тана пўстлоғи катта ёшида бўйига томон ёрилади, қўнғир рангли. Шохлари думалоқ, яшил ёки кул-сариқ рангли, ёсмиқли, туксиз. Барглари дельтасимон, узунлиги 7 сантиметр, кенглиги 6—8 сантиметр, ўткир учли барг сатҳи (пластинкаси)нинг четлари йирик арра тишли, сирти тўқ яшил, ости оч яшил рангли. Жинсий жиҳатдан-урғочи гулли туплари мавжуд, эркак гулли туплари ҳозирча номаълум.

Бир йиллик қаламчадан яхши кўпаяди. Турли касаллик ва зарарли ҳашаротларга чидамли.

Пушти ранг терак. Бу терак СССРнинг Орлов областидаги ўрмондашт станциясида ўсади. Тошкентда 1955 йилдан бошлаб ўстирилмоқда (8-расм). У жуда



8-расм. Пушти ранг теракнинг тана қисми (10 ёшида).

катта дарахт бўлиб, 15 ёшида 19 метр бўйига, 48 сантиметр диаметрига ўсди. Бу терак 1—2—3—4—5 танали бўлиб, танасининг тепа қисмида йўғон шохланади ва кенг—чўзиқ шох-шабба ҳосил қилади. Пўстлоғи 5—6 ёшидан бошлаб бўйига томон ёрилади ва қўнғир рангга киради. Шохлари думалоқ, кул-қўнғир рангли. Новдалари ҳам думалоқ, сариқ-кул рангли, туксиз. Барглари 4—5, 8 сантиметр узунликда, 3—5 сантиметр кенгликда, дельтасимон, ўткир учли, туби тўғри, четлари йирик тишли, сирти тўқ-яшил, ости яшил рангли, қисман тукли. Терак жинсий жиҳатдан эркак гулли туплари бўлиб, урғочи гулли туплари номаълум.

Йиллик қаламчасидан яхши кўпаяди. Турли кассаллик ва зарарли ҳашаротларга чидамли.

ЁҒОЧ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ УЧУН ТЕРАК ЎСТИРИШДАГИ КЎРСАТКИЧЛАР

Юқорида тасвирлаб берилган тераклар ниҳоятда тез ўсади ва юқори маҳсулотлидир. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу тераклар республика шароитида тез ўсади ва кўп ёғоч запасини тўплайди. Масалан, 214 маркали бир туп евро-америка тераги 15 ёшида 1.520 м³ ёғоч, 1 гектар майдонда унинг 500 тупи жойлашиб, 760 м³ ёғоч запаси беради. Шунингдек дельтасимон терак бўлса олдингидек бир тупи 1.210 м³ ёғоч бергани ҳолда, бир гектар ерда 500 туп терак жойлашиб, 605 м³ ёғоч беради. Бу тераклар Европа шароитида, жумладан Волга, Дунай дарёси vodiylарида ва Баварияда 2—3 баравар секин ўсиб, ёғочни кам бериши аниқланди.

ТЕРАК ЎСТИРИШ

Саноатга хом ашё сифатида ёғоч етказиб бериш мақсадида тераклар экилганида шох-шаббаси (катта-кичкилиги) эътиборга олинади. Бунда тераклар 10—15 ёшида саноатга мос келадиган ёғоч маҳсулотлари бера олади. 15 ёшида кесишга мўлжалланган тераклар экилаётганда уларнинг оралиғи бири-биридан 4 метр ва қаторлар ораси 5 метр, бир туп терак учун ажратилган майдон 20 м² ҳисобида бўлиши керак. Агарда тераклар 10 ёшида кесиладиган бўлса, ўтказилган теракларнинг қатор оралари 4×4 метр, ҳар бир туп терак учун ажратилган майдон 16 м² ҳисобида бўлгани маъқул.

Тераклар тез ўсиши сабабли, улар 10—15 ёшида кесилиб фойдаланишга топширилиши керак, чунки тераклар шу ёшида саноат учун ярайдиган ёғоч беришга лойиқ бўлиб қолади. Саноат учун ёғоч маҳсулотлар олиш учун тераклар ўстиришда ҳам юқорида тавсия этилган, яъни қурилишга ярайдиган ёғоч материаллари берадиган серотин, ангулат, берлин, Ўзбекистон тўнғичи ва бошқа тур тераклар жуда мос келади. Лекин улар якка танали ва тор шох-шаббада тузилганлиги сабабли гектарга жойланиш миқдори бошқа дарахтларникидан анча фарқ қилади. Чунончи, ангулат, берлин, Ўзбекистон тўнғичи, туркистон, тез ўсар тераклар 3×4 метр ораликда экилиб, яхшиланган мирза терак ва оддий мирза тераклар 3×3 метр ораликда экилиши мумкин. Шундай бўлганда, биринчи галда бир гектарга 820, иккинчи галда 1100 туп тераклар экилади.

Тераклар вегетатив йўл билан бир йиллик новдаларининг қаламчасидан кўпайтирилади. Кузда теракнинг барглари тўкилиб кетгач, новдалар кесилиб, қаламчалар тайёрланади. Қаламчалар эрта баҳорда вегетация бошланишдан олдин тайёрланиши ҳам мумкин. Агарда новдалар кузда кесиб олинса, улар дарҳол қаламча қилиниб экиб қўйилади. Агарда баҳорда экиладиган бўлса, новдалар қум аралашган тупроққа кўмиб қўйилади. Бунда новда эрта баҳорда қаламчаларга кесилиб, сўнг экилади, ёки новдалар баҳорда кесилиб, қаламчалаб экилса ҳам бўлади. Қаламча бир йиллик сурх новдалардан тайёрланади. Қаламчанинг узунлиги 20 — 25 сантиметр, диаметри 0,5—1,5 сантиметр бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Қаламча ўтқазиладиган майдон 30 — 40 сантиметр чуқурликда юмшатилади, сўнг устидан мола бостирилиб, текислангандан кейин, ариқ тортмасидан, шнур бўйлаб кетмон ёки бел ёрдамида қаламча экилади. Қаламча экилиб бўлгач, қаторлар орасига ариқ тортилади, сўнг бўктириб суғорилади. Қаламча экилганда учки қисми 2—3 сантиметр (1—2 куртаги билан) ер юзиде кўтарилиб туриши керак. Учки куртаклари захаланмаслиги, зарарланмаслиги лозим. Экилган қаламчаларнинг атрофи оёқ билан аста-секин босиб қўйилади. Қаламчалар ёнига томон сал ётиқроқ ҳолатда экилади.

Экилган қаламчалар ўз вақтида суғориб турилса, 10 — 15 кундан кейин кўкара бошлайди ва тупроққа илдиз отади. Унинг ёш новдаларини ўт босиб кетмаслиги учун бир-икки марта ўтоқ қилиш ва тупроқнинг доим нам бўлишини таъминлаб туриш керак. Орадан 20 кун ўтгач, қаламчалар 10—15 сантиметр ўсади, бу пайтда унинг илдизи ҳам деярли ўсиб ерга киради.

Қаламча экилган жойдаги тупроқнинг унумдорлиги паст бўлса, у ер азот билан ўғитланади. Бунинг учун қаламча ариқларига бир сантиметр кенглигида азот тузлари сепилиб, сўнг жилдирашиб сув оқизилади. Азотни юшиб кетмаслиги учун, сув жуда оз миқдорда оқизилади, натижада сувда азот эриб тупроққа сингиди. Тупроққа сингиган азот терак илдизига етиб боради ва уни озиқлантиради.

Экилган қаламчалар вегетацион даврда, ёз мавсумида 14—16 марта суғорилади, суғориш ёз мавсумида қуйидагича тақсим бўлади: май ойида — 2, июнда — 4, июлда — 4, августда — 4 ва сентябрда 2 марта. Албатта, суғориш нормаси нисбий маънода, чунки бу ўзгариши мумкин. Агарда ёз иссиқ ёки салқин келса суғориш нормаси кўпайиши ёки камайиши табиийдир.

Шу йўсинда парвариш қилинган қаламчалар яхши ўсади ва кузда кўчат бўлиб етишади. Бу тераклар бир ёшида кавлаб олиниши зарур, агар иккинчи йилга қолса, улар жуда катталашади ва қазиб олиш анча қийинлашади.

Қаламчалашда теракларнинг ҳар тури ва дурагайлари алоҳида-алоҳида экилиши керак, акс ҳолда тераклар ўз тури ва хилини (маркасини) йўқотиб — аралашиб кетади. Тераклар бўйига ва йўғонлигига тез ўсади. Қаламчадан экилган тераклар биринчи йилнинг ўзидаёқ 2,5 метр бўйига, 2,5 сантиметр диаметрига ўсиши мумкин. Илдиз системаси ҳам яхши ривожланиб — тупроққа чуқур кириб, атрофга 30—40 сантиметргача тарқалади. Ёз ўтиб куз келгач, вегетация тамом бўлгандан кейин, қаламча теракларнинг барглари тўкилади. Шунда улар ковлаб олишга тайёр бўлади. Етилган теракларни кетмон, бел ва трактор воситасида ковлаб олиб, навлаб, планда мўлжалланган жойларга экилиши мумкин. Қазиб олинган терак ниҳоллар албатта тезда экилиши зарур, агарда экиш учун жой тайёр бўлмаса, уларнинг илдизлари нам тупроққа кўмиб қўйилиши лозим. Агар кўчатлар узоқ районларга юбориладиган бўлса, илдиз ва танаси қуриб қолмаслиги учун яхшилаб ўралади.

Кўчатлар жойларга етиб боргач, уларни экила бошлагунча нам тупроққа кўмиб қўйилади. Бу тадбир-чоралар кўчатларни қуриб қолмаслиги ва сифатини яхши сақлашга имкон беради. Тераклар экиладиган жойлар олдинроқ ҳайдалган ва текисланган бўлиши лозим. Экишга тайёрлаб юмшатишган ерларда чуқурлар қазилади, уларнинг кенглиги, бўйи ва эни 40 сантиметр, чуқурлиги 50 сантиметр бўлиши керак. Тайёрланган чуқурларга терак кўчатларини экиш олдидан зарарланган илдизларнинг учки қисми ток қайчи билан 0,5—1 сантиметр узунликда кесиш ташланади, сўнг экилади. Экилган кўчатлар тезда суғорилади. Кўчат қатори ва

қатор оралари 3—4 метр бўлиши мақсадга мувофиқ. Кўчатларни бу тартибда экилиши ва жойлаштирилиши яхши сифатли, силлиқ, тўғри тана ҳосил бўлишига ва сифатли тўсин ва ходалар олишга имкон беради.

Терак кўчатлари экилишдан олдин ёки экилиб бўлгандан кейин танасидаги майда ён шохчалари ток қайчиси билан танага тақаб кесиб ташланади. Кесилган шохчаларнинг ўрни махсус елим билан суйкалиб, устки томони ёпиб қўйилади. Ён новдаларининг кесиб ташланиши теракнинг яхши ўсишига имкон беради.

Бу экилган тераклар ёз давомида ҳаммаси бўлиб 12—14 марта суғорилиши зарур ва тупроқ ўғитланиб тераклар озиклантирилиши керак. Шу тарзда парвариш қилиб турилса, тераклар 5—6 ёшида анча катталашади ва 10 ёшгача етгач, уларни кесиб олиб фойдаланиш имконияти туғилади.

Маълумки, турар жой биноларини қуришда ҳар хил йўғон ва ингичкаликда, калта ва узунликда бўлган ходалар, жумладан тўсин, сарров, синч ёғочлари ишлатилади. Бундай ёғоч материаллар тераклар 10—15 ёшида етилса, синч ёғочлари эса ингичкароқ бўлгани учун улар тераклар 3—4 ёшидаёқ кесиб тайёрланиши мумкин. Кесиб олинган ёғочларнинг пўстлоқлардан тозаб қўйилиши зарур, акс ҳолда пўстлоқ орасида турли ҳашаротлар пайдо бўлиши мумкин.

Кесиб олинган теракларнинг тўнкасидан кўплаб сурх новдалар ўсиб чиқади. Тўнкада бу новдалардан 1—2 таси қолдирилиб, қолганлари кесиб ташланади. Қолдирилган новдалар бақувват туб илдизидан фойдаланиб, жуда тез ўсади ва қисқа муддатда ишлатишга ярайдиган бўлади. Ўсишга қолдирилган новдалар биринчи йилнинг ўзидаёқ бўйи 5—6 метр, диаметри 3—5 сантиметрга етиши мумкин. Бундай тез ўсиши туфайли тераклар 5—6 ёшидаёқ 10 ёшидаги катталикидаги тераклардек бўлиб қолади ва уларни кесиб олиб фойдаланса бўлади. Бунда теракларни етиштириш муддати икки барабар қисқаради. Кейинчалик 5—6 ёшда учинчи ва тўртинчи бор кесиб олиш натижасида ёғоч маҳсулотларини кўп тайёрлашга имкон туғилади.

Теракларни шу тартибда ўстириш ва қисқа муддат ичида кесиб фойдаланишлик бир неча бор такрорланиши мумкин, чунки тераклар кўп яшамаса ҳам, илдиз системаси тана қисмига нисбатан кўп яшайди.

ҚАЕРЛАРДА ТЕРАКЗОРЛАР БАРПО ЭТИЛИШИ КЕРАК!

Теракзорлар маълум жойларда, қишлоқ хўжалик экинлари майдонларидан четроқ ерларда барпо қилиниши зарур. Маълумки, тераклар илдиз бачкилари билан кўпайиш хусусиятига эга, шу сабабли тераклар қисқа муддат ичида атроф жойларни тезда қоплаб олиб, ҳатто экинзорларга ҳам тарқалиши мумкин. Теракларнинг бундай биологик хусусиятларини ҳисобга олиб уларни маълум ажратилган ерларда экилиши тавсия қилинади.

1. Теракзорлар дарё водийларида барпо қилиниши керак. Республикада кичик ва катта дарё водийлари жуда кўп майдонни ишғол қилади. Масалан, Амударё, Сирдарё, Зарафшон водийлари бунга мисол бўла олади. Бу ерларда одатда водий тераклари—тур, анга, петта, жийда, тол, юлғун каби дарахт ва буталар ўсиб ётади. Улар ҳар хил катта-кичикликда тўқайзорлар ҳосил қилиб, республикада 197 минг гектар майдонни ишғол этади. Улар қурилишга ярайдиган ҳеч қандай ёғоч материаллари бермайди ва хўжаликда ҳам фойдали аҳамияти унча кўп эмас. Шунинг учун ўшандай тўқайзорлар ўрнига, тез ўсадиган тераклар экилиши анча фойдалидир. Дарёлар водийсининг тупроқлари сернам, қумли ва қумоқли ҳамда хийла унумдор бўлгани туфайли теракларнинг ўсиши учун анча қулайлик туғдиради.

2. Теракзорлар барпо қилишда махсус майдонлар ажратилиши керак. Халқ хўжалигининг кўп соҳали ва кенг тармоқли бўлиши муносабати билан теракзорлар учун маълум жойларни ажратиш албатта, яхши. Катта майдон бўлмаса ҳам, кичикроқ майдончаларни ажратиш шубҳасиз мумкин. Бу албатта шу масала билан қизиқадиган ташкилотларнинг ихтиёридаги иш.

3. Колхоз ва совхоз далаларида катта йўллар ва ариқлар ёқаси бўйлаб хиёбон усулида экилиши мақсадга мувофиқ. Бу ҳолда колхоз ва совхоз йўллари бўйлаб гўзал хиёбон ҳосил бўлиши билан бир вақтда, улар ёғоч материаллари фондини вужудга келтиради.

Теракзорлар барпо қилиш учун бошланғич қаламчаларни Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги ботаника боғидан хоҳлаган миқдорда олиш мумкин. Бунинг учун бир йил илгари Ботаника боғи директори-нинг номига хат ёзиб, мурожаат қилиниши керак.

МУНДАРИЖА

Муқаддима ўрнида	3
Тераклар таърифи	6
Бинокорлик учун ёғоч материаллари етиштириш	15
Терак ёғочларининг қурилишдаги хусусиятлари	16
Саноат учун хом ашё сифатида ёғоч маҳсулотлари етиш- тириш	17
Ёғоч маҳсулотлари етиштириш учун терак ўстиришдаги кўрсаткичлар	23
Терак ўстириш	23
Терак ўстириш агротехникаси	24
Қаерларда теракзорлар барпо этилиши керак?	27

На узбекском языке

Ахмед Усмонов

ЦЕННЫЕ ТОПОЛЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Издательство «Узбекистан»—1973—Ташкент.

Отпечатано в типографии издательство ЦК КП Узбекистана
Ташкент, ул. «Правды Востока», 26.

Редактор М. Жўраев
Техредактор А. Вахтияров
Корректор С. Назарова

Теришга берилди 14/III-1973. Босишга рухсат этилди 21/VIII-1973.
Қоғоз формати 84×108¹/₃₂. № 2. Бос. л. 1,0. Шартли бос. л. 1,68
Нашр. л. 1,23. Тиражи 6759. Р 11251. «Ўзбекистон» нашриёти,
Тошкент, Навоий кўчаси, 30, Шартнома № 17—73.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси
Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. Заказ № 2128. Баҳоси 4 т.

